



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН РАҲБАР КАДРЛАРДА СТРАТЕГИК ФИКРЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЎНАЛИШЛАРИ.

Тилаев Э. Р.

*Шахрисабз давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар факультети декани, т.ф.н.*

Таянч сўзлар: раҳбар кадрларда стратегик фикрлаш компетенцияларини шакллантириш, олий таълим тизими, раҳбар кадрлар таркибини шакллантириш жараёни, таълим муассасаси бошқарув раҳбари, педагог кадрларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш.

Ключевые слова: формирование компетенций стратегического мышления у управленческих кадров, система высшего образования, процесс формирования управленческих кадров, совершенствование механизмов развития универсальных компетенций руководителей образовательных учреждений, педагогов.

Key words: formation of strategic thinking competencies among management personnel, higher education system, process of formation of management personnel, improvement of mechanisms for the development of universal competencies of heads of educational institutions and teachers.

Олий таълим муассасаларида раҳбар кадрлар захираси давлат органларининг юқори малакали, маҳоратли раҳбар кадрлар таркибини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Кадрлар бошқарув тизимида фуқаролик хизматчиларининг ўз касбий ва шахсий сифатлари кадрлар захирасини шакллантириш жараёнида юқори баҳо олиши туфайли нафақат лавозимда ўсишига, балки энг маҳоратли фуқароларнинг излаб топилишига олиб келади. Бундай ходимлар бўш лавозимларга тайинлаганда, улар эга бўлган билим, тажриба, кўникма ва малакалар орқали давлат органи фаолияти энг самарали ва сифатли амалга оширилиши имкони яратилган бўлади. Муваффақиятли шакллантирилган бошқарув кадрлар захираси бўш ўринлар юзага келганда давлат фуқаро-



лик хизмати лавозимларини ўз вақтида тўлдириш имкониятини берадики, ташкилот ишининг самарали бўлишида бунинг аҳамияти жуда катта.

Раҳбарлик лавозимларига захирани энг истиқболли ходимлар орасидан шакллантириш марказий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифаларни ечимини топишда бошқарув органларига номзодларни танлаб олишда ва уларни лавозимларга кўтаришда илмий асосланган психологик баҳолаш тизими сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин. Бугунги кунда давлат бошқарувини модернизациялашда профессионал йўналтирилган кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат органлари фаолияти сифатига, шунингдек, давлат хизматчиларининг профессионал маҳоратига боғлиқ. Давлат органларининг вазифаларини амалга ошириш, кун тартибига қўйиладиган янги вазифаларни ҳал этишнинг самарали усулларини излаш давлат хизматчиларининг профессионал жиҳатдан юқори маҳоратга эга бўлишини, касбий ривожланишини талаб қилади.

Шиддатли равишда ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитда бошқарув эгиловчан бўлиши керак. Шу билан бирга, бошқарув қарорларини тезкорлик билан қабул қилиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш ҳамма бошқарувчиларнинг қўлидан келмаслиги ҳам мумкин. Олий таълим муассаларида раҳбар кадрлар– вазифа ва функцияларни амалга оширишда доимо ижодий ёндашувни талаб қиладиган касб. Шунинг учун, олий таълим тизимидаги мутахассислардан ўз профессионал фаолиятида илмий даражаларини мунтазам ошириб бориш талаб қилинади. Мамалакатимиздаги давлат бошқарувининг тарихий шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларининг мавжудлиги бошқарув кадрларини компетенцияларни оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бугунги кунда раҳбар кадрларнинг стратегик режалаштириш компетенцияларини оширишда жаҳон тажрибасида тан олинган илмий назарияларнинг ҳамоҳанглигини таъминлаш тараққиётимизнинг асосий устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “Компетенция” (лот. сомпето – эришяпман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба” -дея қайд этилган. Компетентлик - шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган билим, малака ва кўникмалари ҳамда шаклланган шахсий хислатларини меҳнат фаолиятида муваффақиятли қўллай олиш қобилиятидир. Шунингдек, бошқарув тизимида компетентлик масаласи ҳақида



тўхталганимизда, давлат хизматчиларининг ўз соҳасидаги билими, малакаси, кўникмаси ва унинг амалиётга татбиқ этилиши билан биргалликда муҳтарам юртбошимизнинг таъбири билан айтганда уларнинг “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланганлиги билан чамбарчас боғланиб кетади.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Раҳбар кадрлар бошқарув тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш мақсади кун тартибига қўйилмоқда.

Таълим муассасаси бошқарув раҳбари касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишдан мақсад унинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатлиги; Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенцияси даражаси унинг билимлари, кўникмалари ва малакалари даражасини аниқлаш имконини берувчи ахборот тизимлари орқали давлат органи томонидан мунтазам равишда баҳолаб борилиши. Қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мустақил таълим олиш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишнинг асосий шакллари эканлиги;

Қайта тайёрлаш таълим муассасаси бошқарув раҳбарининг самарали фаолияти учун зарур бўлган қўшимча касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши мақсадида ташкил этилган таълим жараёни эканлиги. Малака ошириш давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини оширишга ва мунтазам равишда янгиланган боришга қаратилган таълим жараёни эканлиги. Мустақил таълим давлат фуқаролик хизматчисининг янги билимлар ва тажрибага эга бўлиш бўйича ишдан бўш вақтида касбий компетенциясини ошириш жараёни эканлиги; Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши. Соҳибкирон Амир Темур курган буюк давлатчилик жаҳон тарихида улкан из қолдиргани билан муҳим аҳамият касб этади. Амир Темурнинг давлатни бошқариш услуги ўзига хос хусусияга эга бўлиб, давлат бошқарувида стратегик жиҳатлари бутун дунёда ўрганилиб келинмоқда.

Юртимизда барқарорлик, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик, аҳолининг муносиб ҳаёткечириши давлат фуқаролик хизматида давлат хизматчиларининг авваламбор маънавий етуклиги ҳамда уларнинг касбий компетентлигининг ошириб борилиши давр талабидир. Давлат фуқаролиги хизматчисининг касбий компетентлиги қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади



Мазкур вазифалар ижроси раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий бошқарув, педагогик механизмларини касбий таълим сифатини ошириш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада республикамізда олий таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари билан интеграциялашувини таъминлаш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, Шахрисабз давлат педагогика институтида ҳам педагогик кадрларни тайёрлашда талабаларда муомила маданиятига, кийиниш маданиятига, узининг устида мустақил ишлашига, укувчиларга меҳр курсатишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ёш педагоглар мактабга амалиётга борганда, ишга борганда яхши фазилатларинг бошқаларга курсатиши керак бўлади.

Дунё таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, замонавий сифат менежменти тамойиллари асосида корпоратив таълим ва коучинг хизматларини кенгайтириш, кадрлар инновацион фаоллигини оширишнинг интеллектуал ахборот тизимларини яратиш, фойда методологияси асосида замонавий касбий компетенциялар тизимини прогнозлаштиришга қаратилган.

Адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
2. Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси -Т.: Ўзбекистон, 2022. -440 б.
3. М.Мирсолиева Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларнинг компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc)
4. О.Хайитов Олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигини оптималлаштиришнинг комплекс модели.
 2. Норматив -ҳуқуқий ҳужжатлар.
 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 07.02.2017 й., ПФ-4947.
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 27.08.2019 йилдаги ПФ-5789-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Фармонига илова

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги 5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // 06.11.2020 йилдаги ПҚ-4884-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар



ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори //https://Lex.uz/ docs/-4545884

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 06.11.2020 йилдаги ПҚ-4884-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори //https://Lex.uz/ docs/-4490760

РЕЗЮМЕ

Oliy ta'lim muassasalarida olib borilayotgan o'zgarishlarning ijtimoiy iqtisodiy-xuquqiy asoslari tahlili berilgan. Unda OTMda ta'lim sifatini oshirish maqsadida xodimlarni boshqarish tizimini yaratish, rahbar kadrlarda ta'lim jarayonida strategik fikrlash kompetensiyalarini takomillashtirish omillari tajribalarni samarali qo'llash sohasida Shaxrisabz davlat pedagogika institutida olib borilayotgan ishlar keng yoritilib, tegishli taklif va tavsiyalar berilgan.

РЕЗЮМЕ

Дан анализ социально-экономической и правовой основы изменений, проводимых в высших учебных заведениях. В целях повышения качества образования в высших учебных заведениях в Шахрисабзском государственном педагогическом институте проводится работа в области создания системы управления персоналом, совершенствования компетенций стратегического мышления в образовательном процессе, а также факторы Широко освещены вопросы эффективного применения факторов, даны соответствующие предложения и рекомендации.

SUMMARY

The analysis of the socio-economic and legal basis of the changes carried out in higher educational institutions is given. In order to improve the quality of education in higher educational institutions, work is being carried out at the Shakhrisabz State Pedagogical Institute in the field of creating a personnel management system, improving the competencies of strategic thinking in the educational process, as well as factors The issues of effective application of factors are widely covered, relevant proposals and recommendations are given.